

Жидда шаҳридаги Қуръон мусобақасига старт берилди



10:50 / 21.01.2019 2511

Куни кеча Саудия Арабистони Жидда шаҳрида бошланган Қуръони карим мусобақасида мамалакатнинг 21 та университети, давлат ва нодавлат коллежларининг жами 500 нафар ўғил-қиз талабалари иштирок этмоқда, деб хабар беради spa.gov.sa расмий сайти.

Мусобоқа шартлари қуйидагича белгилаган: Қуръони каримни қироат ва тажвид билан тўлиқ ёддан ўқиб бериш, Қуръони каримнинг 20, 10, 5 жузларни алоҳида тарзда қироат ва тажвид билан ёддан ўқиб бериш.

Мусобақа бош директори Салоҳ ибн Усмон Салим Усмон баҳолаш тартиби халқаро мезонлар талабига тўлиқ жавоб беришини маълум қилган. Қуръони карим мусобақаси иштирокчилари ҳифз, тажвид ва қироат

йўналишлари бўйича рақобат олиб борадилар. Мусобақа иштирокчиларининг чиқишлари 10 та малакали ҳакамлар томонидан баҳоланиб борилади. Танлов 25 январга қадар давом этади ва ғолиблар алоҳида эълон қилинади.

***Islom.uz* портали таҳририяти**